

САНОАТИМИЗНИНГ ЯНГИ ЗАФАРИ

Тошкент область ва Тошкент шаҳар саноатини 1963 йилнинг биринчи кварталда ривожлантириш бўйича давлат планининг бажарилиш якунлари тўғрисида

Тошкент область ва Тошкент шаҳар статистика бошқармаларининг ахбороти

Тошкент область ва Тошкент шаҳар саноат корхоналарининг коллективлари етти йилликнинг бешинчи йили планнинг муддатидан ilgari бажариш учун социалистик мушобакани авж олдириб, КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорларини амалга ошириб, 1963 йилнинг биринчи квартал планини муваффақиятли бажарди.

Яли маҳсулот ишлаб чиқариш плани 104 процент, шу жумладан область саноати бўйича 105 процент, Тошкент шаҳри саноати бўйича 104 процент адо этилди. Ўтган йилнинг биринчи кварталдаги қараганда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми умуман 6,7 процент, шу жумладан область саноати бўйича 8,8 процент ва Тошкент шаҳар саноати бўйича 5,5 процент кўпайди.

1963 йилнинг биринчи квартал планининг бажарилиш ва саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришнинг кўпайиши қуйидагича бўлди:

| | | |
|---|-------|-----|
| Чарм пойфазал — минг жуфт | 2383 | 101 |
| Пайпоқ-носиллар — минг жуфт | 242 | 98 |
| Устки трикотаж — минг дона | 518 | 88 |
| Ички трикотаж — минг дона | 2119 | 115 |
| Мебель — минг сўмлик | 3301 | 126 |
| Гўшт (давлат хомашё ресурсларидан) — тонна | 7609 | 120 |
| Колбаса маҳсулотлари — тонна | 3225 | 98 |
| Ети олимаган сут маҳсулотлари (сутта айлантисиб ҳисоблаганда) — тонна | 12996 | 121 |
| Мол ёғи — тонна | 44,7 | 63 |
| Консервалар — минг шартли банка | 5425 | 83 |
| Ўсимлик мойи — тонна | 8381 | 93 |
| Совуви (таркибда 40 процент мойли кислоталари бор совувига айлантисиб ҳисоблаганда) — тонна | 3608 | 133 |
| Лино — минг декалитр | 717,2 | 106 |
| Папироз ва сигареталар — миллион дона | 1106 | 113 |
| Узум виноси — минг декалитр | 326 | 101 |
| Вон ва нон маҳсулотлари — тонна | 45846 | 108 |
| Кондитер маҳсулотлари — тонна | 5342 | 114 |

Биринчи квартал учун белгиланган пландаги ташқари 32 минг тонна кўмир қазиб чиқарилиб, 21,6 миллион киловатт-соат электр қуввати ҳосил қилиниб, 253 та трактор прицепи, 37 та пахта терши машинаси, 24 та компрессор, 77 та қўрак чўйишган машиналар, 88 минг сўмлик химия асбоб-ускуналари, 16,4 минг кубометр темир-бетон қўриқчалари ва деталлари ҳамда бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб.

Мўҳим халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш плани ҳам ортиб билиб адо этилди. Пландаги ташқари 858 минг метр ил гаълама, 36 минг жуфт чарм пойфазал, 48 минг дона ички трикотаж, 92 та рўзгор холодильники, 3232 та газ плитаси, 259 тонна ўсимлик мойи ва бошқа маҳсулотлар тайёрланди.

Шу йилнинг биринчи кварталда 1962 йилнинг биринчи кварталидан қараганда 65 минг тонна кўмир кўп қазиб чиқарилиб, электр қуввати 164,7 миллион киловатт-соат, компрессорлар 35 та, янги темир-бетон конструкциялари ва деталлари 35,5 минг кубометр, цемент 129 минг тонна, экскаваторлар 21 дона, трактор прицеплари 1081 дона, пахта терши машиналари 269 дона, қўрак чўйишган машиналар 117 дона, брон қўриқчи 1030 километр кўп ишлаб чиқарилиб.

Ил газламалар, чарм пойфазал, мебель, ички трикотаж ва бошқа кенг истеъмол буюмлари, гўшт, ёғи олимаган сут маҳсулотлари, нон ва нон маҳсулотлари, кондитер ва бошқа оғир-оғир маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам анча кўпайди.

Меҳнат унвдорлигини ошириш бўйича белгиланган план умуман 102,3 процент, шу жумладан область саноати бўйича 102,7 процент бажарилиб. Меҳнат унвдорлиги 1962 йилнинг биринчи кварталидан қараганда умуман 1,9 процент, шу жумладан область бўйича 2,9 процент ва Тошкент шаҳри бўйича 1,3 процент ошди.

Шу билан бирга область ва Тошкент шаҳар саноати ишида айрим муҳим камчиликлар ҳам содир бўлди. Қатор корхоналар яли маҳсулот ишлаб чиқариш квартал планини бажармади. Булар орасида Тошкентдаги рўзгор электр приборлари заводи, «Улестрой»нинг ёғоч ишлаш комбинати, Сергелдаги темир-бетон конструкциялари ва шпаллар заводи, планковшлат комбинати, Оҳангарон цемент заводи, «Подъёмник» заводи, 4-ликвичлик фабрикаси, Тошкент гўшт комбинати ва бошқа корхоналар бор.

Айрим корхоналар яли маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича плани бажаришлари ҳолида маҳсулот assortименти бўйича топшириқни бажармади. Цемент, юкори кўчлишли трансформаторлар, асбобцемент трубалари, колбаса маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш квартал плани бажарилмади. Аммо бундай маҳсулотлар тайёрлаш ўтган йилнинг биринчи кварталдаги қараганда анча кўпайди.

Айрим корхоналар меҳнат унвдорлигини ошириш бўйича топшириқни бажармади.

Фан ва техника соҳасидаги ўн тўққиз оригинал иш 1963 йилги Ленин мукофотига сазовор бўлди. Булардан ўн таси техника олдидир. Бу ишлардан металлургия, машинасозлик, химияда, қишлоқ хўжалиги ва медицинада кенг фойдаланилмоқда. СССР Министрлар Совети ҳузуридаги фан ва техника соҳасида Ленин мукофотлари комитети раисининг ўринбосари Ю. Е. Макаревич ТАСС мухбирига қуйидагиларни айтди.

Техника соҳасида шундай янгиликлар борки, улар ҳаётда ўзларига жуда тез йўл очиб оладилар. Эрувчи электрод билан углерод оксидида металлнинг автоматик электр ёйли пайвандлашнинг янги усули ҳам шунлар жумласидандир.

Бу усулни учта йилги муассаса — Технология ва машинасозлик марказий илмий тадқиқот институти, Авиация технологияси илмий тадқиқот институти ва Украин Фанлар академияси Е. О. Патон номидаги электр пайвандлаш институти олимлари ишлаб чиқдилар. Тадқиқотчиларнинг тадқиқотлари саноат ҳодимлари ҳаётга таъбиқ қилиб, ўз практикаларида металлнинг электр пайвандлашнинг прогрессива усулини жорий этидилар.

Янги усулдан легириш, таркибда углерод кам бўлган, зангламайдиган ва ўтга чидамли бўлганларнинг бир-бирига жипс мустаҳкамлашда муваффақиятли фойдаланилмоқдалар. Бу усул машинасозликнинг турли соҳаларида, газ қувурлиқни қуришида ҳамда қўрак кенг қўллашда Мамлакатда металлургия углерод оксидида пайвандлайдиган 7 минг автомат ва ярим автомат ишламоқда.

Углерод оксидида пайвандлаш усулини яратганликлари учун унинг авторлари К. В. Любавский, Н. М. Новожилов, Д. А. Дудко, А. Г. Потальский, А. В. Петров, А. И. Акулов, А. А. Вицержанин, В. Ф. Заботинларга Ленин мукофоти берилди.

Совет турбинасозлиги бутун дунёда шухрат қозongan. Ленинград металл заводининг ҳодимлари машинасозликнинг бу соҳасига қимматли ҳисса қўшдилар. 1958 йилда улар 200 минг киловатт қувватга эга бўлган ҳамда 565 градус температурада 130 атмосфера бўғ босими билан ишлайдиган «ПВК-200-130» бўғ турбинасини яратдилар. Ҳозир ана шундай турбиналардан 11 таси ишлаб турибди. — «ПВК-200-130» турбинасини яратган авторлар — А. С. Бутрини, М. И. Гринберг, О. Г. Прокопий, Э. Д. Долженский, А. В. Левин, К. А. Спирidonов, А. И. Чиник, А. М. Яковлев, И. Ш. Ҳаётер меҳнати В. И. Ленин номи мукофотга сазовор бўлди.

Мамлакатимизда катта химиянинг ривожланиши, саноат ва уй-жой қурилишининг кенг авж олганлиги турли диаметрга қувурлар талабни мўтасил қўриб бормоқда. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқаришнинг бу тармоғини кенгайтиришга қаратилган ҳар қандай ташаббус рағбатлантиришда А. С. Буоров, А. М. Маскисейсон, А. Е. Гуревич, А. Б. Верник, Н. И. Каган, П. В. Бойков, Я. П. Осадчий, И. М. Усачев, Ю. М. Матвеевларга қувурларни печда узулуксиз пайвандлайдиган текоз текоз тивовий агрегат яратганликлари учун мукофот берилди. Уларнинг лойиҳасига биноан Челябинск заводида сув ва газ қувурларини пайвандлаш имконини берадиган оригинал установка қурилади ва ишга туширилади. Жуда

ТЕХНИКАМИЗ ТАРАҚҚИЁТИДА ЯНГИ САҲИФА



Суратларда: фан ва техника соҳасидаги Ленин мукофотининг лауреатлари (чапдан) Г. С. ГАЛЕЕВ, А. С. МУСИЙКОВ, В. Е. КОЗУБЕНКО ўртоқлар.

пўхта ишланган технология пайвандлашнинг жуда тез — минутага 420 метр бўлишини таъминлайди, бу эса Америкадаги ҳозирги замон ускуналарининг энг яхши кўрсаткичларидан 18—20 процент ортиқдир.

Агрегатнинг яратилиши Ватан техникасига қўшилган катта ҳисса деб баҳолашмоқда. Агрегатни ишлаб чиқишда ҳамма процессларни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш ҳисобга олинди. Бунда чокларнинг гоят мустаҳкам бўлиши таъминланади, бу эса қувурлар девори қалинлигини камайитириш, бинобарини металлнинг жаш имконини беради.

Пўлатни электррошак орқали қайта эритиш бўйича мамлакатимизда яратилган усул совет металлургия ўртасида ҳам, чет элларда ҳам катта оғур қозонди. Бунинг моҳияти нимадан иборат? Олдид йўл билан эритилган металлдан аввал қурилган, тобланган ёки нағна қилинган электродлар ясалади. Шлак тўқилдирилган ваннага жойлаштирилган ана шундай электродлар орқали ток ўтказилади. Ток таъсири остида электродлар эриydi ва суюқ металл кристаллизаторга томиб тушади. Металл шлак орқали ўтатилади турли қўйида ва газлардан тозаланиб тушади. Тайёр пўлат эритмаси белгиланган хусусиятларга эга бўлади.

Б. И. Медовар, Ю. В. Латаш, Б. И. Максимович, А. Ф. Трегубенко, В. С. Култигин, Ю. А. Шульте, П. П. Менушковлардан иборат тадқиқотчилар группасига электр шлак орқали қайта қуиш йўли билан махсус маркали пўлат сифатини оширишнинг теги самарали усулини ишлаб чиқаришлари ҳамда саноатда жорий қилганликлари учун Ленин мукофоти берилди.

Газ саноати гоят тез ривожланимоқда. Ер ости бойликларининг разведкачилари, табиий газнинг жуда бой ери ости ҳазиналарини очмоқдалар, мамлакатда зангори ёйилгани транспортровка қилиш учун пўлат магистраллар қуришмоқда. Қраснодар ўлкасининг ҳодимлари бир неча илмий тадқиқот институтиларининг ҳодимлари билан ҳамкорликда қувурлиқни пармалаш техникасига ва газ қолларидан фойдаланиш системасига катта ҳисса қўшдилар. Навоитурга газ қиқариб олишнинг прогрессив технологиясини тақлиф қилдилар, энг янги ускуналар комплексини ишлаб чиқдилар. Қўдуқ қазинида фойдаланилган юксак даражада герметик бўлган қувурлар яратилди, газият саз темературада тозаланиб кенг фойдаланилди, бу эса газ қувурларининг яхши ишлашини таъминлади. Ана шу мураккаб ускуналар комплексини яратган Н. К. Байбаков, А. М. Анисимов, А. И. Арутунов, В. А. Брагин, А. Л. Волик, В. Я. Дубовицкий, А. Г. Задов, О. К. Караев, Н. А. Сидоров, П. И. Барабанов Ленин мукофотига сазовор бўлдилар.

Юкори сифатли «ПМ-70» қурумини олишнинг янги технологиясини саноатда катта иқтисодий самара беради. Бу маҳсулот жуда маҳкам резина (бу резинадан автомобиль шиналарини проекторлариде фойдаланилади), шунингдек транспорттер ленталари ишлаб чи-

қариш учун фойдаланилади. Ана шу қимматли хомашёнинг олишнинг оригинал усули учун бу ишнинг авторлари — В. П. Зуев, В. Ф. Суворовни, В. В. Саулина, П. А. Теснер, А. П. Габини, А. Р. Кельи, К. Ф. Серебряков, А. К. Иковларга юксак мукофот берилди. Улар бу хомашёни ишлаб чиқаришнинг технология процессини зўр маҳорат билан ҳал қилдилар. Реактор печининг яратилиши принциплари янгилик бўлди. Печда ҳосил қилинадиган қурум дунёдаги энг яхши маркалардан устуи туради. Бу эса қурум импорт қилишдан қутилиш имконини беради.

Нефть ва химия саноатида гоят кўп миқдорда иссиқлик сарфланади. Совет мутахассислари найли печларнинг ажойиб конструкциясини яратдилар, бу печда иссиқлик алангасиз — кристалланган керамика панеллардан иборат. Хар бир пещ йилга тўрт миң тоннагача қимматли ёқилгини тежас қилиш имконини беради. Мамлакатда ана шундай печлардан юздан ортиги қурилади ва ишга туширилади. Уларни яратган «Газнефтемаш» институтининг ҳодимлари П. А. Бахшиев, В. Е. Бақлашов, Г. Я. Вихман, Д. В. Иванов, М. В. Равич, М. М. Ушакевичга Ленин мукофоти берилди.

Оғир касаллик — полиомелитга қарши вакцина Ватанимиздан бошқа жойларда ҳам маълум. Бу йил СССР Медицина фанлари академиясининг Полномелит ва вирусли энцефалитлар институти ва Хирургия ва анатомия институтининг илмий ҳодимлари А. А. Смородицев ва М. П. Чуковаларнинг катта ишларига Ленин мукофоти берилди. Улар янги юксак самарали препарат — тирик профилактик вакцинани ишлаб чиқдилар ҳамда унинг қўллаб ишлаб чиқарилишини ва кенг жойли қилинишини таъминладилар. Препаратнинг ниҳоятда юксак сифатли эканлиги Совет Иттифоқининг бутун территориясида полиомелит билан касалланиши кескин камайитириш имконини беради. Кейинги икки йил ичида 100 миллион дозадан ортиқ тирик полиомелит вакцинаси экспорт қилинди.

Совет олимлари ва қишлоқ хўжалик практикларини Ватан биология фанининг илгор муваффақияти.

тидан фойдаланиб, дон етиштиришнинг кўпайтиришга катта ҳисса қўшмоқдалар.

Илгор селекциячилар В. Н. Мамонтова, В. И. Ремесло, П. Ф. Гаркавий кузги ва лалми бугдойнинг, кузги ва лалми арпанинг серхосил янги навларини яратганликлари учун Ленин мукофоти берилди.

В. Н. Мамонтова яратган бугдой навини ўтган йили қўпгина областларда, ўлталар ва республикаларда 10 миллион гектар ерда экилиб, кузги ва лалми бугдойнинг сифати билан бир вақтда тегиришмода тортиш учун қўлай ва ундан иширилган нон жуда сифатлидир. Селекциячи В. Н. Ремесло яратган Миросовская-264 кузги бугдой сорти гектардан 40—45 центнердан ҳосил олиш имкониятини беради. Бу сорт группалар тағилан усули билан яратилди. 1963 йилда ҳосил олиш учун бир миллион гектардан кўпроқ майдонда ана шу янги нав экилди. П. Ф. Гаркавий арпанинг одесский — 17, палидум 14/13 ва бошқа янги сортларини яратди. Бу навларнинг ҳаммаси мўл ҳосил бериши ва қуруқчиликка жуда чидамли бўлиши билан бир вақтда кўк поядан ҳам мўл ҳосил беради.

В. П. Соколов, М. И. Хаджинов, Г. С. Мусийков, В. Е. Козубенко, А. С. Мусийковлар мактабхўроқнинг серхосил гибридарини ҳамда навларини яратганликлари ҳамда уларнинг уруғларини стерил асосида етиштириш усулига ўтказганликлари учун селекциячиларнинг бу группаси ҳам В. И. Ленин номи мукофотга сазовор бўлди. Бу гибридарнинг энг яхшилари мактабхўроқнинг районлаштирилган стандарт навларига исбатан ҳосилдорлиқ жиҳатидан 25—30 процент устуи туради, бу эса қишлоқ хўжалик фанининг катта ютуғидир. Бу авторлар селекциядаги мактабхўроқ уруғлари ва навлари 1961 йилда 19 миллион гектарга яқин ерда экиланди. Бу эса қўшма тровида 500 миллион пуд дон олиш имконини беради.

Совет халқи, деди пировардида ўртоқ Макаревич Ленин мукофоти лауреатларини қизгин табриқлайди ва уларга янгидан-янги ижодий муваффақиятлар тилайди. (ТАСС.)

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ НАТИЖАЛАРНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

„МАШЪАЛ“ МАШЪАЛЛАРНИ УНУТГАН

Ўрта Чирчиқ районда чиқадиган «Машъал» газетасида кейинги пайтларда газетхонларнинг эътиборини жалб этувчи ҳажим билан ёзилган материаллар ҳамойиб кетгани, кўчларнинг ш таъриҳчи ва оқилоланиш учун материаллар системали равишда бериб берилаётгани, шу билан бирга кая чиликлари оғир ташлашнинг принциплар тақидилар қўқилиб, газета ҳодимларининг қишлоқ ҳаётинда ажрлиб қолганликларини учун қишлоқ хўжалиги теҳасида берилаётган материаллар ҳам жуда юзика Энциклети, редакция ҳодимлари имзоси билан чиқайтган материалларда ҳам чалқаш жумалар, ноаниқ фикрлар, стилстик ҳамда грамматик хатолар ўтиб кетайтгани газетамизнинг 16 март сонинда босилган «Машъал» машъалларини унутган» сарлавҳали матбуот обзорида очиб ташланган эди.

Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетидан олинган жавобда айтилишича газетда кўрсатилган тақидий фикрлар тўла тасдиқланган. Мақола «Машъал» газета редакцияси ҳодимларининг умумий йиғилишида муҳокама қилинган ва газетани талаб даражасида чиқаришга белги бўлган амалий тадбирлар белгиланган.

Редакция ҳодимларидан ўртоқ К. Бўриева ёқилгани хатоларга йўл қўгани учун каттич оқолаштирилган. Қишлоқ хўжалиги бўлимининг собиқ мудири ўртоқ А. Аҳмедовнинг ўз вазифинида совуқчилик билан қараб келгани кўрсатиб ўтилган.

КООПЕРАТИВ ТАРТИБДА

Чирчиқ шаҳар Совети ижроия комитети кооператив тартибда уй қуришни ташкил этди. «Ўзбекхиммаш» заводи конструктори Лидия Тарасова шаҳардаги 1-кооперативнинг раиси қилиб сайланди. Шаҳарнинг марказий Ленин кўчасида уй-жой қуриладиган участка ажратилди.

225-УНРнинг бинокорларидан қишлоқ учун 18 квартиралар дастлабки уйи қуришга киришилган. Унда водопровод, канализация, газ ва бошқа қўлайликлар муҳайё бўлади. Т. СИХАРҲЛИДЗЕ.

Микробиолог олимлар йиғилиши

Янгида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мажлислар залида Ўзбекистон микробиологларини илг йилги йиғилиши бўлиб ўтди. Янгилишида СССР Фанлар Академиясининг академиги, СССР Фанлар Академияси микробиология институтининг директори А. А. Имшенецкий 1962 йилда Канаданинг Монреал шаҳрида ўтказилган микробиологларнинг VIII Жаҳон конгресси ишининг якунлари тўғрисида гапириб берди.

Микробиология фанини ривожлантиришда электрон микроскоп воситасидан кенг фойдаланиш масаласи конгресснинг диққат марказида бўлди. Вакциналари урганишининг биология фанини химияга боғлаб олиб бориш, ферментлар синтезини ва уларда бўладиган ҳодисаларни янгида чуқурроқ тендиришининг роли катта.

БИОЛОГИЯ ФАНИ ВА АМАЛИЁТ

Таълимнинг турмуш билан алоқасини мустаҳкамлашда амалий таъриб маҳсулотлари муҳим ўрни тутади. Шу сабабли мактабларда ҳарбир ларс бевосита қўриқмазми қуроллар билан тушинтириш олиб борилапти. Сабзавотчи, бовдон ва механизаторлик касбини урганишда амалиёт жуда кўп келади. Шу мақсадда мактабимизда Фан тўғрақларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, ёш мичуричлар тўғрагининг иши ҳам яхши йўлга қўйилган.

Ҳозир мактаб таърибда участка юзга яқин турли хилдаги ўсимликлар ўстирилади. Пахта, мактабхўроқ ва полиз экинлари устида олиб борилган таърибалар яхши натижалар берди. «Сувнинг гўзага таъсири» темасида ўтказилган қуатинимиз ижодий ҳал этилди. Ўзгани сугориш ва сувнинг ўсимликка ҳамда ҳосилга таъсирини диққат билан синаб кўрдик. 7 марта сугорилган гўза нормал ўсди. Гўза тупининг бўйи 70-100 сантиметрга ачга етди. Ҳосил гектарига 60,6 центнердан тўғри келди. Туққиз марта сугорилган гўзанинг бўйи 100-110 сантиметрга ачга ўсди гектаридан 42,3 центнердан ҳосил қўтирилди. 12 марта сугорилганда эса, гўзанинг бўйи 120-130 сантиметрге ачга ўсди, анча кеч етдилар, қўсқаблар ҳам кеч етдилар. Қўза бовдон кўсқабларнинг 80-90 процини очилмай қолди. Натикада гектаридан 12,6 центнердан пахта олинди.

Тўғрақнинг мактабхўроқчилик бўйича олиб борган таъриб-рузатиш ишлари ҳам анча самар



Тошкентдаги 1-нон заводнда қурилган автомат тандирда ёпилган нонлар савдо шохбчаларига жуда манзур бўлмоқда. Суратда: новий М. Халилов автомат ишини кузатмоқда. В. Салов фотоси.

АВТОМАТ ТАНДИР

Тандирда ёпилган ноннинг мазали ва хушбўй бўлишини ҳамма билади. Бироқ тандирда нон ёпиш мажмуалари ва умуман иш.

Ана шу оғир метизли механизмчилар учун Тошкентдаги 1-нон заводидан бир гуруппа мутахассислар қўлидан бери шиб бораётган эди-лар. Ниҳоят қўриқдан натижага эришилди. Автомат тандир конструкцияси яратилди.

Автомат тандирнинг конструкцияси қуйидагича: узунлиги 2 метр, диаметри 1 метр келадиган барабан юзасига силтала ва цементдан ясалган эски плиталар маҳкамланган. Барабан гишдан ишланган қорси пещи ичида секан айланган. Унинг остидоги говак плиталарга бир мейрда газ ёниб туради. Устки қисмида эса бир қатор газ горекчалари алаҳқаланиб туради. Барабаннинг бир томонидан автомат қўриқла тар узатилган 8 дона 200 граммлик нонларни ёшийтириди. Иккинчи томондаги пичоқлар тайёр нонларни узиб туширади. Сув пичоқ, оловни ростлаш шиллари автоматик тарзда бажарилади.

Оддий тандирга бирйилга 38 та нон кетса, автомат пещи 128 та нон ёшилади. Тандир 3 сена иштатилганда 5 тоннага етказиб нон ёпиш мумкин. Автомат 2 ноявий беамалоз бошқарилади.

Тандир конструкциясини инженер-техниклардан С. Н. Свинкин, Р. Х. Увайдов, К. М. Данько ва А. М. Борисенковлар яратдилар.

Тандирни қуриш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотни Ўзбекистон ССР Давлат илмий рив ва ёйиқ тилларида чиқарувчи брошюралар олиш мумкин.

Ш. ҚОСИМОВ.



КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чакриқларидан руҳланган Тошкентдаги 1-пойфазал фабрикасининг ишчилари, инженер-техник ҳодимлари ва хизматчилари меҳнатда янгидан-янги ютуқларини қўлга киритмоқдалар. 10-сентябр илгор ишчиси Мамлакат Умарова улуг айём шарофига авж олётган социалистик мушобаканда актив иштирок этиб, смена топширигини доимо 130—140 процентдан адо этмоқда. Суратда: пешкадам пойфазалчи Мамлакат Умарова. А. Тўраев фотоси.

ДОНИ МОЙ, СЎТАСИ ҚАЙМОҚ

«... ТУРТ КИЛОГРАММ МАККАЖҲОРИ (ПОЯСИ ВА ДУМБУЛ СЎТАЛАРИ) БИР КИЛОГРАММ ОЗУҚА БИРЛИГИ БЕРАДИ ДЕБ ҲИСОБЛАЙМАН. БУ ҲОЛДА БИР ГЕКТАР МАККАЖҲОРИ 4,2 ЦЕНТНЕР ГУШТ ЕТИШТИРИШ УЧУН КИФОЯ ҚИЛАДИ. 75 ЦЕНТНЕР ГУШТ ОЛМОҚ УЧУН ЭСА 18 ГЕКТАР ЕРГА СИЛОС УЧУН МАККАЖҲОРИ ЭКИШ КЕРАК».

Н. С. ХРУШЧЕВ.

СЎЗИМИЗ ҚАТЪИЙ

Утган йили шимиз ўнгидан келди: 31 гектар ернинг ҳар гектарыда 1550 центнердан кўпроқ етиштириб, 480 тонна силос бостирдик. Биз бундай муваффақиятга қандай қилиб эришдик?

Миришкор деҳқонларимизнинг «Яхши ер ҳам яхши меҳнат талаб қилади» деган доно гапи бор. Биз ана шунга амал қилиб майдонларга қайта-қайта сифатли шилос бериб бондик. Қишнинг қор-ёғирига мириқиб тўйсин, ёғиб етилсин деб ерларимизни қуздаёқ чуқур қилиб шуддорладик. Ерларимиз чириндига бой бўлгани учун мўлжалдоғидан кўпроқ миқдорда минерал ўғит солидик. Шуниси қувонарликки, ернимизда биронта бегона ўтчи кўрмасди.

Ерни ақшига тайёрлашга ҳар йили жиддий эътибор берармиз. Қишнинг қор-ёғири билан намега тўйинган майдонларимизни оби-тобида бора-борамиз. Текислаб, молалигим. Натيجасида ҳавонинг ҳарорати кўтарилса, ернинг нами яхши соқланади. Қисқаси ўз вақтида қилинган ишнинг самараси катта бўларкан. Мўл-қўл маккажўхори ҳосили етиштиришда устозларим Любевъ Ли ва Александря Нининг тажрибасига амал қилармиз. Бу ишимизда кат-

та самаралар бермоқда. Унинг изидан қориб майдонларимизда маккажўхорининг серхоси «Имеритинский» гибрид навици устира бошладик. Утган йили шу навдан кўтариладиган ҳосил хирмончининг чғи салмоқли бўлди.

Бу йилги ҳосилга ҳам пухта замин яратдик. Қиш фаслида ёз тамини едик. 30 мартда маккажўхори экиши киришди, уни тўрт кун давомида тўзаладик. Ургилки 60х60 схемасида экиштирилди. Экиннинг сифатига, квадратларининг оқиқ бўлишига эътибор бердик. Фидокорона меҳнатимиз ўз натижасини берди. Бир неча кун ўтар-ўтмас 29 гектар майдонда яшил квадратлар пайдо бўлди. Квадратлар аниқ ва тўғри чиқиди. Улардаги қўчқарлар сонини мўлжаллашда ҳисобли ва бехато. Ҳозир одамнинг маликаларининг бўли қарича келди.

Маккажўхори майдонларига биринчи шилос беришга киришдик. Бу йил маккажўхорида биш марта узи-наси ва кўндаланга шилос бериш, ик марта озиқлантириш ҳамда биш марта сугорини режасини тузиб қўйилди. Шу ўринда маккажўхориқорлар учун қиматли бўлган бир тажрибамизни гапириб ўтмоқчиман. Утган йилдан бошлаб маккажўхори экиладиган майдонларга парранда эғини сола бошладик. У озиқлантириш даврида сульфат аммоний билан бир вақтда ҳар гектарыга 80 килограмдан солинадик. Утган йили буни биз Кировоград области, Оливанский районидики Димитров номи колхозининг бригадир ўртоқ В. Ф. Яковлев методи асосида бир ярим гектар ерда тажриба қилиб кўрган эдик. Аниқ яхши натижалар берди. Бу йил шу методни барча майдонларимизда синов қўймоқчимиз. Ёнги колхознинг парранда фермасида истеғанимизга топилади. Буни ҳосилдорликни оширишдаги янги резерв деб ҳисоблаймиз.

Звеносиз аъзолари бу йил ҳар гектар майдонда 1700 центнердан ошириб маккажўхори кўппоси етиштиришмоқчи. Бунинг учун етарли асос бор. Сўзимиз қатъий, ичса албатта амал қилармиз.

Аристан АЛТАЕВ Юқори Чирчиқ Свердлов номи колхозининг маккажўхориқор эквеноси бошлиғи.



Суратда: ўртоқ А. АЛТАЕВ.

ЧИН ИХЛОС

Мана бир неча йилдирки, бригадамизда пахта, каноп билан бир қаторда маккажўхори ҳамда пўхат етиштирилди. Ватинпарвар колхозчиларимиз об-ҳаво ва агротехника қулайликларидан усталик билан фойдаланиш ҳолида бу экинлардан жўтасиз мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлаётимиз.

Биз ҳосилдорликни ошириш мақсадида ҳар йили экинни ўз вақтида ўтказишга жиддий эътибор берармиз. Чунки барвақт экинган экин ердан бақувват униб чиқади, кўнгалдагидек ривожланади. Биз мана шу тажрибамизга сулиган ҳолда экинни табақалаштириб ўтказамиз. Масалан, чигит экилаётган вақтда маккажўхори экин билан банд бўлмаймиз. Агар бунга йўл қўйилса, ишда палла-партишлик юз бериб, сифатнинг бузилишига йўл қўйилади. Бу йил ҳам даставвал пўхат ҳамда маккажўхори экишга киришдик. Бу экинлар 6 апрелдаёқ экин бўлиди. Бу йил янги схема танланди. Уруғ ерга 60 Х 30 схемасида ташланди. Бунинг афзалликларидан бири шунки, ҳар бир гектарда маккажўхори туллари кўп бўлиб, мўл-қўл кўппос олишни таъминлайди.

Экинни сифатли ўтказишда механизатор Владимир Пляк ва селлачки Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ли Ен-Гу ўртоқлар айниқса жонбозлик кўрсатиб ишладилар. Ҳозир даладаримизда маккажўхори, пўхат барқ уриб ўсмоқда. Ғузаларимиз ҳам маржондек кўришиб қолди.

Ростини айтганда ўтган йили маккажўхоридан бундай кўрак кериб мактанадиган даражада кўппос ололганимиз йўқ. Ҳосилдорлик гектар бошига 500 центнерга ўтти келди. Лекин, бизнинг ер шаронтиримизда бунинг ҳам ёмон ҳосил деб бўлмайди. Негаки, ернинг ўзига ҳос табиии хусусиятларга эга. Анчагина майдонларимиз майда тошиб. Бу эса қатор ораларини ишлаш даврида кўпгина қи-йинчиликларни туғдиради. Бундан

ташқари ероети сувларининг қин-динги туфайли сугорининг ҳам мўҳирли билан ўтказишнинг талаб қилади. Булардан қатъий назар бу йилги мўлжалимиз бошқача. Биз бутун йил қўйилган ҳотоларни, жумладан сугорини давридаги палла-партишликлар, қатор ораларини ишлашдаги камчиликларни тақрирламай, ҳар гектар ердан кам деганда 750-800 центнердан кўппос олишга бел боғладик.

Шу кунларда бригадамизнинг моҳир механизаторларини Владимир Понамарчук ва Ли Ир-Лен ўртоқлар кўёшга буй чўзаётган маккажўхори қатор ораларини узунасига қулайлаштиришга, уларнинг қулайлаштиришга, уларнинг бақувват бўлиб ўсишига жиддий аҳамият бераётимиз. Ҳозир култивация билан бирга ўсимликларни маҳаллий ўғит ва суперфосфат аралашмаси билан озиқлантирилади.

Экинлардан мўл ҳосил етиштиришда колхозчиларнинг масъулиятини ошириш катта роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам биз мавжуд экин майдонларимизни колхозчиларимизга бириктириб қўйганмиз. Агар бирор киши ўзига қарашли участкада ўсимликларнинг чанқаб қоллишига ёғин ўт босиб кетишига йўл қўйса, ишлаган меҳнатининг 30 проценти қирқилади. Бордию, мўл ҳосил олинишни таъминласа, ана шу миқдордаги меҳнат қўшиб бериледи.

Колхозчиларимизнинг гайратини эур. Улар «дала маликаси»га чин ихлос қўйиб мўл ҳосил етиштириш йўлида астойдил ишлашляпти.

ХАН БОРИС Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармасидаги, «Ленинград» колхозининг бригадирини.



Бизнинг маккажўхори Экиннинг зўри, нори, Поя, сўта ва дони Парранда, чорва жони.

Сут-у ёғ, тухум бўлар, Илагинг мойга тулар, С. ҚҰҚОНБЕКОВ. А. ХОЛҚОВ ЧИЗГАН СУРАТ.

ЗОМИН БЎЛАЯПСИЗКУ!

Бу воқеа тунов кунин юз берди: хашак ахтариб, Шахристонга борган 2 та юк автомашиниси ҳеч нарсага қўппа-қўқиб қайтди.

Лекин, бормасликнинг ҳам иложи йўқ. Бир ой-дирки силос ва хашакнинг юн-юнгичага тамомланган, чорва моллари оч. Бир килограмм кўнжара эвазига 4—5 килограммдан, жами 440 тонна пичан келтирибди. Аммо бу пичан ҳам, эрта-индин тугайди. Кейин ана югур-югур...

Утган йили Бекобод районидики Джержинский номи колхозда гўшт ва сут етиштириш пили бажарилмагани, сутнинг бир центнери 11 ўринга 13 сўм 23 тингига тугашни билга энди равшан эди. Бирок, ўша йили гектардан бундай наст ҳосил — 145 центнердан маккажўхори кўппоси олиналгани бундан боиси нимада?

— Емон ерлар ажратилган эди. Бунинг устига сув етишмади. Қондириб сугоролмадик. Энди ўтган ишга саловат дейликки, яхшии мана бу йилнинг кўраберишлар деди колхоз бош агрономи Гани Шукуров.

Курдик, ўзгаринг кам. Сурат сўст. 545 ўринга эндигина 230 гектар ерга маккажўхори экиштипти. Графин бўйича эса, 11 апрелдан 30 апрелгача 408 гектар ерга маккажўхори экин бўлишини керак. Амалда унинг аралли ярми ҳам экилган. Бунинг устига маккажўхори экин учун ажратилган майдон экинга тайёр ҳам эмас.

«Дала маликаси» экин учун 170 гектар майдон ажратилган. У участкага ўтдик. Унинг 18 гектари шолпон бўлиб, ҳали доғал шуддорлангани ҳам йўқ. Рўпарамиздаги 8—9 гектарлик 2 марта наҳонлардир ҳайдалган-у, ниҳоятда уйдим-чуқур ва нотекис. Е-

воин ўт илдизлари ерни қоплаб ётипти. Наҳотки шу ерга уруғ ташланса. Бригадага ҳанузгача ишчи кучи, техника воситалари бириктирилмагани туфайли мавжуд майдоннинг 80 гектарыга оддий усулда ва фанат 30 гектарыга квадрат-уялаб маккажўхори экилган. Воз устига экин таваналига ўтказилди. Уруғ бир амал-тағал билан тупроққа аралаштирилди, лекин унинг униб чиқиши даргумон. Униб чиқади ҳам дейлик. Лекин, уни сугорининг иложи йўқ. Сув келтириш учун ариқлар қазилмаган. Сугорини шохобчалари тозаланмаган. Шунинг учун ҳам катта ариқдаги сув бир томонга уриб кетиб, экин униб чиқа бошлаган 16 ярим гектарлик қартиганг 5 гектарини босиб кетибди. Маккажўхори ниҳоллари нобуд бўляпти.

Худди шундай ташвишлантирарлик аҳвол бошқа хўжалиқларда ҳам содир бўлаётган. Ленин номи колхозда (район ўртоқ Қодиров) 253 ўринга 124 гектар ерга маккажўхори экилган, холос. «Чанок» совхозига (директор ўртоқ Тўрабеков) 320 дан 115 гектарыга маккажўхори экилмасдан туринти.

Хўш, Бекобода маккажўхори экинни чечинчилик, сифатини пасайтириб юборётган ўртоқларга: «Силар наҳотгача молларнинг ризқини қияйсиз, уларнинг ҳақиқа нега экин босласиз. Бу бепарварлик-ку!» дейдиган ҳеч кимса йўқми? Бекобод ишлаб чиқариш бошқармаси ва партия комитети бунга нима дерини?

Э. ОТАБОВ. «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

„МАЛИКА“НИНГ ИШҚИ БИЛАН

ЛАВ Ҳ А

58 гектар ерга маккажўхори экидик. Ҳар гектар ердан 1500 центнердан кўппос олиш ниятимиз бор. Қолаён майдонга пўхат, қанд далага экидик.

Раҳматали 1500 рақамини тилга олар экан, унинг юзидида боғи, ўтган йилги андишани ювсин аломати сезилиб турарди. Ахир у ўтган йили бутун район бўйича рекорд ҳосили олмақчи эди. «Лекин юқоридики сабабларга қўра мақсадига етолмай қолди.

Қалинин районидики «Қорасу» совхозининг бу илгор бригадаси ҳақида гапирганда унинг аъзоларини тилга олмай бўлмайми? Тракторчи Шернат Нуртоев, селлачки Юсуфжон Жабборов, се-

тоқлар квадратларини аниқ чиқинчи таъминладилар. Сувчилардан Иброҳимов, Қаримовлар ҳар туп ўсимлик атрофида паравона бўлиб уни қондириб сугорардилар. Ҳар бир сувича 8—10 гектар карта бириктиб берилди. Бу карта-ларда ўсимликнинг қандай парвариш қилиниши, ҳосилдорликни оширишлари қараб, уларга ошқича ҳақ тўланади.

Совхозда ўртоқ Серикбой Исҳоқов бошлиқ яна бир маккажўхориқор бригада бор. Бу бригадининг майдони 106 гектар, 53


гектар ерга кўппос учун, 53 гектар ерга дон учун маккажўхори экилади. Яқинда унинг бригадасида Анвар Рихиев бошлиқ 7 ўспирин илгит келиб қўйилди. Булар совхозда ташкил қилинган қишлоқ кўнгалли ёшлар жамаъатининг аъзолари эди. «Биз йилмиз бу қишлоқда тугилди ёдик. Шу ердаги мактабда таълим олдик. Лекин бошқа жойларда, турли ташкилотларда ишлаб келдик. Энди ўз қишлоғимизга ҳам нафимиз тегсин деган ниятимиз бор, бизга иш бериш» дейишди. Уларга ҳам 53 гектар ер ажратиб берилди. Ана шу ёшлар маккажўхори экилаётган эди. Биз бор-

ганда ёшгина илгит селлачки сакраб туришди. — Анвар Рихиев шу бўлди, — деди Серикбой.

У билан сўхбатлашдик. Анвар ёшларнинг бу йилги ниятлари ҳақида мароқ билан сўзларди. — Экинни энди бошладик, — деди у, ер серғулаб экан. Қўппоси бўлмади, жўхори босиб кетди. Бунинг учун ҳар қандай оғирликни бўйимизга оламиз. Маъбуриятимиз — гектаридаги 800 центнер.

Анварнинг қалбиди эла-юртга хизмат қилиш орузи барқ уриб турганлиги унинг сўзларидан сезилиб турарди. Пайкалда тер тўкиб меҳнат қилаётган Аскар, Раҳмоқ, Саидхон, Тўққин, Исмом, Норҳўжаларнинг ҳам ёш қалбларида меҳнатга бўлган ихлос жавлон урар эди.

У. ФАРИДА.



Раҳматали Қамбаров бригадасида маккажўхорида дастлабки ишлов бериш бошланди. Суратда: механизатор Оммонбай Бозорбеков жўхори қаторларини култивация қилмоқда.

А. Абалян фотоси.

«ТО МАККАЖҲОРИНИ ДУСТ ТУТМАГУНИНГИЗЧА ЧОРВАЧИЛИКНИ ЮКСАЛТИРА ОЛМАЙСИЗ. ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ДАСТАВВАЛ ОЗУҚА КЕРАК. БУ ВАЗИФАНИ ҲАЛ ҚИЛИШДА ҲАММАНДАН КЎРА ҚАЙСИ ЭКИН ЯХШИРОҚ ҚЎЛ КЕЛИШИ МУМКИН, САРФ ҚИЛИНГАН МЕХНАТНИ ҚАЙСИ ЭКИН ЯХШИРОҚ ҚОПЛАЙ ОЛАДИ? БУНДАЙ ЭКИН — МАККАЖҲОРИДИР».

Н. С. ХРУШЧЕВ.

СИЛОСИМИЗ КЎПАЯДИ

Манжажўхориқорлар бригадасига раҳбарлик қилаётганимиз уч йил бўлиб қолди. Илгарилари ҳўналигимизда маккажўхори етиштиришга, ундан мўл-қўл кўп олишга унчалик эътибор берилмасди. Бунинг натижасида чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш анча қийин бўларди. Шунинг учун ҳам колхозимиз правленесини ва партия ташкилати сут ҳамда гўшт етиштиришни кўпайтириш йўлида жиддий бosh қўтиришляпти. Колхозимизда алоҳида манжажўхориқорлар бригадаси ташкил этилди. Ҳозир чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришда манжажўхориқорлар жуда катта омили эканлигига барча чорводорларимиз тула ишонч ҳосил қилишган. Манжажўхоридан йил сайини мўл-қўл кўппос олишга эришилляпти.

Бултур бригадамиз бўйича 77 гектар ерга манжажўхори уруғи ташланди. Асосий майдонларга ВПР-156 навли уруғ 60х60 схемасида энди. Ёсимлик қатор ораларини узунасига ҳамда кўндаланга култивация қилинганлиги натижасида манжажўхориқор бўйдор бўлиб ўси, ривожланиши ҳам аввалги йиллардагига қараганда анча яхши бўлди. Азамат колхозчинининг далаларини ўз вақтида ёввойи ўтлардан тозалаб турдилар, ёсимлик ва ернинг талабига қараб сугордилар. Барча агротехника тадбирларининг сифатли амалга оширилиши туфайли ҳар гектар ердан 687 центнердан кўппос олишга муваффақ бўлдик. Велитилган планамча ошириб бажарилди.

Бирон, бу рақам кишини унчалик қўнантирмайди. Нега деганингизда кишини ҳўналишларида манжажўхориқордан олиналган кўппос бундан ҳам юқори бўляпти. Жумладан, районимиздаги Қалинин номи колхозининг мишьял маккажўхориқори Роза Отабоева бошлиқ бригада ўтган йили ишда катта галабини кўлга киритди. Бригадада ҳар гектар ер ҳосилига 1800 центнердан кўппос олинди.

Хўш, ўша бригададаёқ имонийлик билан ишлаган Бор' Ўлбета! Фанат, ҳамма гап ана шу имонийликдан усталик билан фойдаланишга боғлиқлигига биз эндиликда тула

ишонч ҳосил қилдик. Шунинг учун ҳам бригадамиз аъзолари бу йил ишга гайрат намарларини маҳкам боғлаган ҳолда киришдилар.

— Бу йил гектардан олиналган кўппоси 800—900 центнерга етмазми! — дейишмоқда улар. Бундай кўрсаткичга ўз-ўзидан эришилмайди. Юқори ҳосил етиштиришнинг сирларини ўрганиш мақсадида мен бошқа ҳаммасларим қатори энди таъбир-тартидан олдин Қалинин номи колхозда ташкил этилган манжажўхориқорлар илгор таъриба мактабиди Роза Отабоевнинг иш усуллари билан таъиндим. Моҳир манжажўхориқор бизларга юқори ҳосил етиштириш соҳасидаги ишлари ҳақида батафсил сўзлаб берди. Уруғдан ва кўппос учун эндиладиган манжажўхорини қандай парвариш қилиш йўллариини ўргандим.

Бу йил ниятимиз катта. 28 гектар ерга кўппос учун, 25 гектар ерга дон учун манжажўхори эндик. Уруғ-лининг бир тенис униб чиқишини таъминлаш мақсадида ерни эндишга сифатли тайёрлашга алоҳида эътибор бердик. Моҳир механизатор Мирзаарҳамат Умаров агрегатиини усталик билан бошқариб, уруғлининг ҳар бир улга бир тенис тушишини таъминлайди.

Ҳозир бригадамиз далаларига йел-сангиз, кўнгалли қувнайди. 60х60 схемасида эндиладиган манжажўхориқор тенис униб чиқди. 13 колхозчинининг ҳаммаси далада. Улар пайкал четларидаги ёввойи ўтларни йўқотиш, ағтарини сугоришга тайёрлик билан ишгулланмоқдалар. Бу ишга моҳир сувчиларимиз Умаров ҳамда Раҳим Исмом ўртоқлар раҳбарлик қилаётдилар. Дон учун эндиладиган манжажўхорининг ҳар гектардан пландаги 34 ўринга 36 центнердан ҳосил олмақчимиз. Парвариш киришди. Астойдил меҳнат қилиб, олган мажбуриятимизнинг тула бажарилишини таъминлаймиз.

Ахмад УСМОНОВ
Янгируш ишлаб чиқариш бошқармасидаги, Свердлов номи колхозининг манжажўхориқор бригадаси бошлиғи.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

3-БЕТ, 24 АПРЕЛЬ, 1963 ЙИЛ.

